

## USCIRF—RECOMMENDED FOR SPECIAL WATCH LIST

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) АҚШ федерал ҳукуматининг мустакил ва икки партияли комиссияси бўлиб, чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисидаги универсал ҳукуқка риоя этилишини кузатиб боради. 1998 йили қабул қилинган “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги (IRFA) конун асосида ташкил этилган USCIRF чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги бузилиши холатларини кузатиш учун халқаро стандартлардан фойдаланади ҳамда президент, давлат хотиби ва Конгрессга сиёсий тавсиялар беради. USCIRF Давлат департаментидан алоҳида ва мустакил ташкилотdir. “2020 йилги йиллик ҳисобот” жойлардаги ҳукуқбузарликларни хужжатлаштириш ва АҚШ ҳукуматига мустакил сиёсий тавсиялар бериш масаласида маҳсус вакиллар ва профессионал ҳодимлар амалга оширган бир йиллик ишнинг натижасидir. “2020 йилги йиллик ҳисобот” 2019 йил январидан 2019 йил декабригача бўлган даврни ўз ичига олади, аммо баъзи ҳолларда бу муддатдан олдин ёки кейин содир бўлган муҳим воқеалар ҳам эслаб ўтилади. USCIRF ҳақида қўпроқ маълумот олиш учун [мана бу](#) веб-саҳифага киринг ёки 202-523-3240 телефон ракамни териб, USCIRFга тўғридан-тўғри мурожаат қилинг.

### АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

2019 йилда Ўзбекистонда баъзи соҳалардаги диний эътиқод эркинлиги шароитлари ижобий томонга ўзгарди. Ҳукумат эътиқод эркинлиги билан боғлиқ эски ва муҳим муаммолар ҳал этиш йўлида сезиларли қадамлар қўйди, айни ҳолат USCIRFни “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги конунга (IRFA) кўра, Ўзбекистонни 2005 йилдан бошлаб ҳар йили, жумладан, 2019 йил апрелида ҳам “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” (АТУМ) деб аташга тавсия қилишга undаган эди. Умуман олганда, ҳукумат 2019 йил давомида конунни кўлловчи идоралар рейдларини, диний жамоатларни таъкиб қилишни такиқлашнинг уддасидан чиқа билди ва августанда USCIRF [тавсияси](#) билан машъум “Жаслиқ” камохонасини ёпажагини эълон қилди. Ҳукумат яна диний эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаш мақсадида Кўшма Штатлар ва бошқа халқаро шерик ташкилотлар билан қалин ҳамкорлик қилишини давом эттириди. Бироқ муаммоларни ҳал этиш борасида олга силжин сезилмади, аксинча, орқага кетишлар бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, минглаб диний маҳбуслар – аксарияти намозхон мусулмонлар – “диний экстремизм” ёки тақиқланган диний ташкилотга аъзоликка оид соҳта айловлар билан панжара ортида сақланмоқда. Илгариги ҳукумат даврида қамоқхона муддати ўзбошимчалик билан бир неча марта узайтирилган кўплаб диний маҳбуслар қамоқхоналарда колаверди. Улар айни пайтда ҳам [кенг тарқалган ва оддий ҳолга айланниб колган](#) қийнокларга солинганини айтди.

2019 йил давомида рўй берган айрим ноҳуш ҳодисалар ҳукумат мусулмонларнинг дин амалларини бажариши чеклаётганига оид ҳавотисрарни кучайтириди, чунки бу ислом динининг давлат талқинига тўғри келмайди. Ҳукумат мусулмонлар диний эътиқоди ифодаси сифатида соқол кўйиши ёки ҳижоб ўрашига қарши чикмоқда, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам, конунни кўлловчи идоралар ҳодимлари ҳам дин амалларини бажараётган мусулмонлар ҳукукини поймол қилди. Алоҳида ҳолатларда ҳокимият идоралари Тошкент ва Наманганда 100 дан ошик

кишини тутиб олиб, соқолини олишга мажбур қилди. Бошқа давлат хизматчилири аёл ва қизларни ҳижоб ўрашдан қайтариш бўйича фаол кампания бошлади. Ҳабарларга кўра, айрим ҳокимият идоралари мониторинг қилиш мақсадида ҳижоб ўраган аёллар ва қизлар рўйхатини тузган. Бир канча ҳолларда Фаргона вилояти ҳокими Шуҳрат Фаниев мусулмонларга нисбатан душманлигини очиқ айтган, ҳатто ҳижоб ўраганларга токат килаётган кўл остидагиларга [таддид](#) ҳам қилган.

Ўзбекистон ҳукумати 2019 йил давомида 1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (1998 йили қабул қилинган дин ҳақидаги конун) чекловчи конунни қайта кўриб чиқиб бўйича 2018 йил майида зиммасига олган мажбуриятни ҳам бажармади, конун ҳозир ҳам дин билан боғлиқ барча фаолият турларини тартибиға солмоқда ва чекламоқда. Адлия вазирилиги ва ҳукуматнинг бошқа амалдорлари конуннинг тузатилган лойиҳаси устидаги ишини давом эттириди ҳамда киритилган ўзгартиришлар ҳақида халқаро эксперталардан шарҳлар сўради. Ҳукумат амалдорлари йил давомида конуннинг талабчан ва оғир моддалари, жумладан, диний ташкилотларнинг мажбурий тартибда рўйхатдан ўтиши учун маҳалла розилигини олиши; барча диний адабиётларни давлат назорат қилиб тасдиқлаши; прозелитизм, миссионерлик фаолияти, хусусий диний таълим бериш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмаган ва рухсат этилмаган ҳар кандай диний фаолият тақиқланишига оидлари кучида қолишини таъкидлаб келди. Ҳисобот давридан сўнг эса ҳукумат амалдорлари USCIRFга маҳаллани давлат рўйхатига олиш жараёндан чиқариб ташламоқчи эканини маълум қилди. Йил давомида 8 та камсонли жамоат рўйхатга олинган бўлса-да, католиклар, Иегова гувоҳлари ва протестантлар сони оз кам бўлгани ёки маҳаллий даражадаги муҳолифлари мавжудлиги сабаб ҳалигача давлат рўйхатидан ўта олмаяпти.

### АҚШ ҲУКУМАТИГА ТАВСИЯЛАР

- “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги (IRFA) конунга кўра, Ўзбекистонни диний эътиқод эркинлигини кўпол тарзда бузаётгани ёки бундай ҳолларга токат қилаётгани учун Давлат департаментининг маҳсус кузатув рўйхатида қолдириш;

- Ўзбекистон хукумати билан 1998 йилда қабул қилинган дин тўғрисидаги конун ҳалқаро инсон хукуки стандартларига мос бўлишини таъминлаш учун ҳамкорлик қилиш, хукуматни диний жамоатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича талабларни йўқ қилишга, диний адабиётларга эгалик қилиш ва тарқатишга ҳамда диний эътиқодларни алмасишига рухсат беришга ундаш;
- Тинч диний фаолияти ёки диний тегишлилиги учун қамоққа олинган инсонларнинг тез орада озод килиниши учун энг юксак даражаларда босим ўтказиш ҳамда Ўзбекистон хукуматига маҳбусларга инсоний муносабатда бўлиш ва қамоқхоналар мустакил мониторинг килиниши учун босим ўтказиш.

## USCIRFНИНГ АСОСИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ

- Комиссия делегацияси сафари:** 2019 йил сентяброда Тошкент ва Фарғонага сафар
- Ходимлар сафари:** 2019 йил майида Тошкент, Самарқанд ва Бухорога сафар
- Мамлакат бўйича ҳисобот янгиламаси:** [Assessing Religious Freedom in Uzbekistan](#)

## Маълумот

Ўзбекистон хукумати ҳисоб-китобига кўра, мамлакат аҳолиси сони 33 миллион киши деб [бахоланмокла](#), 93 – 94 фоизи киши ўзини мусулмон деб билади. Уларнинг кўпчилиги исломнинг сунний оқимига, таҳминан 1 фоизи эса шиа оқимига мансубдир. Аҳолининг дэярли 3,5 фоизи рус православлари, колган 3 фоизи эса атеистлар, баҳайилар, католиклар, харе-кришиналар, Иегова гувоҳлари, яхудийлар ва протестантлардан иборат.

Ўзбекистон 2016 йил охиридан бошлаб президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида диний эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида бир катор ижобий қадамлар кўйди. Ўзбекистон Конституциясида дин ёки эътиқод эркинлиги кафолатланган; бироқ унда “бошқа кишилар, давлат ёки жамиятнинг конуний манфаатлари, хукуки ва эркинликлари”га дахл қилинадиган холатларда уни чеклашга рухсат этилади. 1998 йилда қабул қилинган дин тўғрисидаги конун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодекси сингари бошқа қонунларда, масалан, барча диний ташкилотлардан давлат рўйхатидан ўтишини талаб қилиш, давлат рўйхатидан ўтмаган диний фаолият учун жиноий жавобгарлик белгилаш ҳамда барча диний адабиётлар ва бошқа материалларнинг давлат тасдиғидан ўтказиш шартлиги белгиланган ва бу хукуматга барча диний фаолият турлари устидан давлат назорати юритишни осонлаштиради.

## Диний маҳбуслар

Ўзбекистонда тинч диний эътиқоди ёки амалиёти билан боғлиқ тарзда жазони ўтаётган маҳбуслар сонини аник ҳисоблаб чикиш қийин. Ҳалқаро ва маҳаллий инсон хукуки химояси фаоллари ҳисоб-китобига кўра, улар сони 1500 дан 5000 кишигача боради. Ўзбекистондаги инсон хукуки химояси фаоллари қамоқхоналарда колаётган диний маҳбусларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган “Хизб ут-Таҳрир” исломий ташкилотига чиндан ҳам аъзоликда айбланиб ёки соҳта айбловлар билан судланганини айтмоқда. Бироқ фаоллар фикрича, уларнинг жуда озчилиги зўравонлик содир эттани ёки унга ун dagани учун конуний асосда айбдор деб топилган. USCIRFнинг олдинги йиллик ҳисоботларига киритилган ва ҳамон USCIRFнинг [Дин ёки эътиқод эркинлиги](#)

жабрдийдаларига рўйхатида турган Арамис Авакян ва Рухиддин Фаҳридинов сингари диний маҳбуслар 2019 йил охирига қадар қамоққа қолди. Аммо Авакян ҳисобот давридан сўнг 2020 йил февралида озод килинди.

2019 йил августида президент Мирзиёев хукумат машъум “Жаслик” қамоқхонасини ёpmoқчи эканини [узлон қилгани](#) изобий воқеа бўлди. Мамлакат шимол-гарбидаги ташки тунддан узилиб колган ушбу қамоқхона диний маҳбуслар [қийноқка солиниши](#) ва карцера ташланиши билан ёмон ном чикарган эди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирилиги “Жаслик”даги маҳбусларнинг таҳминан 10 фоизи “диний экстремизм” билан боғлиқ жиноятлар учун қамалганини [маълум килди](#). Бироқ йил охирига бориб, “Жаслик” тўлиқ ёпилмаслиги, бунинг ўрнига дастлабки ҳисбга олиш маркази сифатида маҳаллий ҳокимият идоралари ихтиёрига берилишига оид [хавотирлар сакланиб колди](#).

## Давлатнинг дин амалиёти ва уни ифода этишини назорат қилиши

Йил давомида юксак лавозимли хукумат амалдорлари Ўзбекистонда ҳам, Кўшма Штатларга сафарлари чогида ҳам барча фуқароларга тўлиқ диний эътиқод эркинлигини бериши мажбуриятини олган эди. Шунга қарамасдан, хукумат бутун мамлакат бўйлаб диний фаолиятнинг барча жабхаларини кенг камровли назорат қилишини ва уларга таъсир ўтказишни давом эттириди. Гарчи хукумат 2018 йил майида 1998 йили қабул қилинган дин тўғрисидаги қонунни кайта кўриб чиқиши ҳамда дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича “йўл ҳаритаси”ни қабул қилиш мажбуриятини олган бўлса-да, ўша чекловчи қонун ҳалигача барча диний ташкилотларнинг қундилик амалиёти ва фаолиятини тартибига солиб келмоқда. Ўзбекистондаги сухбатдошлар фикрича, католиклар, Иегова гувоҳлари ва протестантлар сингари кўплаб мусулмон бўлмаган камсонли қавмлар [қонуний тарзда давлат рўйхатидан ўта олмади](#).

Хукуматнинг ҳамон “радикал ислом” ва диний эстремизм потенциалидан кўркаётгани сабабли ислом дини амалларини назорат қилишини давом эттириди. Унинг 2019 йил августи ва сентябрида ўша пайтда Дин ишлари қўмитаси (ДИК) раиси

ўринбосари бўлиб ишлаётган Нуриймон Абулҳасанни ИИВнинг Терроризм ва экстремизмга карши кураш бошқармасига ишга ўтказиш ҳамда Абдуғафур Аҳмедовни Давлат хавфсизлик хизматидан ДИҚ раҳбарлигига [тайинлаш](#) тўғрисида қабул қилган қарорлари ана шундай позициясини англатади. Ҳокимият идоралари исломнинг консервативроқ талкинига амал қиласиган ёки ташки кўриниши шунга яраша бўлган мусулмонларни таъкиб килишини давом эттириди. Августда қонунни қўлловчи идоралар Тошкентдаги бозорда 100 га яқин кишини ушлаб, гўё ақли камералар таниб олиши учун кўринишини биометрик паспортларида суратларига мос ҳолга келтириш максадида соколини олишига мажбур қилди. Келаси ойда шундай яна бир ноҳуш ҳодиса Наманганда юз берди. Йил давомида шу тарзда мансабдор шахслар мактаб раҳбарларига улар дарвозаси олдида кизларнинг хижобларини [мусодара килиши](#)га кўрсатма бериб турди, хижоб ўраётган кизлар ортидан кузатиб юриш учун рўйхатлар тузилиди. Июнда Ўзбекистон Олий суди хижобни ечмагани учун Халқаро ислом академиясидан ҳайдалган 19 яшар Луиза Мўминжонованинг ишини кўриб чикишни [рад этди](#).

Хабарларга кўра, хукумат Саудия Арабистони ажратган квота ва талаблардан фарқли ўларок, ҳаж ва умра зиёратларига ўз чекловларини жорий этиб келмоқда. Ҳаж ёки умра зиёратига бормоқчи бўлган мусулмонлар хукуматдан рухсат олиши шарт. Хукумат айрим такводор мусулмонларни зиёратга борувчилар [рўйхатидан чикариб ташлагани](#) ва норасмий ёш чеклови ўрнатгани айтилади. Бундан ташқари, зиёратчилар давлат сайёхлик идоралари хизматларидан фойдаланишга мажбур, уларга бошқа компаниялар ташкил этаётган саёхатта бориш тақиқланган. Маълум килинишича, августда DXX ҳодимлари Тошкент халқаро аэропортида Бирлашган Араб Амирликларида жойлашган хусусий компания хизматларидан

фойдаланган ҳолда ҳаж қилган 35 кишилик гурӯхни ҳибсга олиб, сўроқ қилган.

## АҚШНИНГ АСОСИЙ СИЁСАТИ

Кўшма Штатлар билан Ўзбекистон минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик масалалари, жумладан, терроризмга карши кураш бўйича қалин ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2019 йил апрелида АҚШ Давлат департаментининг “Терроризмга карши курашда ёрдам берниш” дастури доирасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг 13 ҳодими тренингига [хомийлик килинди](#). Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўшма Штатлар билан бирга [C5+1](#) форумида ҳам иштирок этмоқда, мамлакат май ойида Америка Кўшма Штатларининг Тингчлик институти қисман хомийлик қилган диний бағрикенглик ва зўравон экстремизмга карши кураш масалалари бўйича амалий семинарга мезбон бўлди. Инсон ҳукуки ва диний эътиқод эркинлиги Кўшма Штатларнинг икки томонлами муносабатларида устувор масала бўлиб қолмоқда. Февралда давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича бюро учун масъул ёрдамчиси биринчи ўринбосари, элчи Элис Г. Уэллс Ўзбекистонга сафар қилиб, диний эркинлик масалаларини кўтарди ҳамда виждан тутқинлари озод этилганини ижобий қадам сифатида алоҳида қайд этди. Сўнгра Яқин Шарқ ва Жанубий/Марказий Осиёдаги камсошли диний жамоатлар бўйича маҳсус маслаҳатчи Нокс Темза ҳам хукуматнинг диний эътиқод эркинлигини ислоҳ ва тарғиб қилиш борасидаги жорий саъ-харакатларини муҳокама этиш учун майда Ўзбекистонга ташриф буюорди. Давлат департаменти Ўзбекистонни АТУМ рўйхатидан ўчириб, 2018 йил декабрида “Алоҳида кузатув рўйхати”га қўшган эди ва 2019 йил декабрида [яна шундай қилди](#).